



ВОЯГА ЕТМАГАНЛАРГА САЛБИЙ ТАЬСИР КҮРСАТУВЧИ ИЖТИМОЙ ИЛЛАТЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИНИНГ ТАШКИЛИЙ АСОСЛАРИ

Калбайев Б.И.

ИИВ академияси 3-ўқув курси

306-гурух курсанти

Мухтарам Президентмиз Шавкат Миронович Мирзиёев ўзларининг “Миллий тарқиётимизни юксак босқичга күтариб қатият билан давом эттирамиз” номли асарларида фарзанд тарбияси бўйича қуидагча фикрларни келтириб ўтадилар «Фарзанд тарбияси-бала тарбияси бу бизга ерга буғдой сепиб ёки чигит экиб устидан сув қўйиб қачон униб чиқаркан деб кутиб ўтрадиган жараён эмас ,унга домий равишда тарбия бериш эътибор бериб бориш лозим ҳисобланади»¹ . Бугунги кунда юртимизда ҳуқуқбузарликлариниг профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида бир қатор самарали ислоҳотлар олиб борилмоқда десак муболға қилмаган бўламиз. Жумладан, фуқароларнинг ҳуқуқлари,эркинликлари ва қонуний манфааталрини ишончли таъминлаш, уларнинг шахсий даҳлсизлиги,мол-мулкини ҳимоялаш борасида бугунги замон талаб даражасида кенг қамровли ва сифатли хизмат фаолияти йўлгакўйилганлиги юртимиз тинчлиги ва осоиишталиги бўлмиш поспонлари томонидан кун-тун олиб борилаётган хизмат жараёнлари ҳам ўзининг ёққол исботини намоён қилмоқда. Республикализ миқиёсида ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг кескин камаяишига олиб келганлиги киши дилини қувонтиради. Албатта, тинчлик бу энг улуг ва бебаҳо неьмат исобланади лекин ушбу неьматнинг ҳам қадрига етмасдан ўзининг содир этаётган ҳатти-ҳаркатлари билан жамият ривожига қолаверса, маҳалла кўй қўни-қўшни олидида уйат ва орномус билан бош кўтариб юргвилар бугунги кунда йўқ эмас орамизда. Бу каби ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг олдин олиш ва уларга қарши курашишда самарли усул ҳамда воситаларни кўллаб келаётган Ички ишлар орагналари ходимлари нафакат бу ҳаракатларининг оқибати билан уларни сабаб ва шароитлари энг асосийси барвақт профилактикаси билан шуғланиб келишмоқда. Айниқса, содир этилаётган ҳуқуқбузарликлар ва жиноятларнинг кўп қисми вояга етмаганларўтасида содир этилаётганлиги киши кўнгилини бевосита ранжитади десак янглишмаган бўлмиз. Асосан, оиласалардаги носоғлом муҳит ва вояга етмаганлар тарбиясининг бузилиши бу

¹ “Миллий тараққиёт йўлимизини юксак босқичга кўтариб, қатият билан давом эттирамиз”
Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев. Ўзбекистон. Т.,2018 йил



соҳадаги тизимли ва долзарб муоммоларини ҳал жтишни талаб этмоқда.

Колверса, вояга етмаганларга нисбатан назорат ва уларга нисбатан ғамхўрлик ишларини домий ташкиллаштириш ва уларга нисбатан кўз қулоқ бўлиш каби вазифалари ва бурчларини адо этмаган ота-оналар, уларни ўринини босувчи шахслар, васийлик ва ҳомийлик органлари ҳам қонун доирасида жавобгарлик ва жазо масалаларида бирдек маъсул ҳисобландилар

Мамлакатимида вояга етмаганлар масалаларига доир хукуқбузарликларнинг олдини олиш ҳамда уларга ўз вақтида профилактик чора тадбираларини амалга ошириш юзасидан бир қанча норматив қонун хужжатлари ишлаб чиқилган бўлиб, улар асосида вояга етмаганлар томонидан содир этилган хукуқбузарликларга нисбатан ўз вақтида қонун хужжатларига риоя этган ҳолда ёндашиб уларни қилмишга яраша жазо ва бошқа таъсир чоралари қўллашни самарали тизими йўлга қўйилган десак янглишмаган бўламиз.

Маълумки, фарзанд тарбияси масаласига жиддий ҳамда ҳар доимги эътибор талаб этилади.

Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Конуни эса вояга етмаганларни тарбиялашда мухим аҳамият касб этади. Конуннинг З-моддасида **“ёшларга оид давлат сиёсати** — давлат томонидан амалга ошириладиган ҳамда ёшларни ижтимоий жиҳатдан шакллантириш ва уларнинг интеллектуал, ижодий ва бошқа йўналишдаги салоҳиятини камол топтириш учун шарт-шароитлар яратилишини назарда тутадиган ижтимоий-иктисодий, ташкилий ва ҳукукий чора-тадбирлар тизими”², - деб белгиланганлигидан ҳам кўришимиз мумкин

Вояга етмаганлар ўртасида содир этилаётган ҳукуқбузарликлари таҳлилларидан келиб чиқиб, улар орасида «Ўқувчи», «Давомат», «Ўсмир», «Ғамхўрлик» каби ҳукуқбузарликларнинг маҳсус профилактик тадбирлари идоравий норматив хужжатлар асосида ишлаб чиқилади ва амалга оширилади. Ҳукуқбузарликлар ёки бошқа салбий таъсир кўрсатувчи ижтимоий иллатларга эга бўлган, шунингдек назоратсиз ва қаровсиз қолган вояга етмаганлар билан Ўзбекистон Республикасининг «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳукуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги қонунининг «Якка тартибдаги профилактика ишини ташкил этиш» боби талаблари асосида якка тартибда профилактика иши ташкил этилади. Ушбу ҳолатда якка тартибда профилактика иши олиб борилаётган шахсларга нисбатан ушбу Низомнинг 2–иловасига мувофиқ профилактика иши юритилади.

² Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Конуни//Ўзбекистон Республикаси қонун хужжатлари тўплами, 2016 й., 37-сон, 426-модда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»³ги ПФ-5005-сон Фармони билан ҳар бир туман(шаҳар)да ички ишлар органлари бошликларининг вояга етмаганлар масалалари бўйича ўринбосарлари лавозими жорий этилганлиги, уларнинг вояга етмаганларўртасида хукуқбузарликларнинг олдини олиш ишларини ташкил этиш ва мувофиқлаштириш учун жавобгар қилиб белгиланганлиги натижасида мазкур соҳада амалга оширилаётган ишларнинг самарадорлиги анча ижобий томонга ўзгарди. Айниқса, ҳафтанинг ҳар пайшанба кунлари ўтказилаётган “Хукуқбузарликлар профилактикаси куни” тадбирлари доирасида ҳамкорликда маҳаллаларда хонадонларга уйма-уй кириб, оиласдаги маънавий-ижтимоий муҳит, таълим муассасаларида ўқувчилар давомати ўрганилаётганлиги, содир этилган жиноятларни ўша куннинг ўзида муҳокамаси таъминланиб, оила-турмуш доирасидаги хукуқбузарликларнинг сайёр суд мажлисларида қўриб чиқилаётганалиги, бир сўз билан айтганда, жиноятларни барвақт олдини олишга эътибор қаратилаётгани ўзининг ижобий самарасини бермоқда.

Профилактика инспекторлари томонидан вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва хукуқбузарликлар профилактикасини амалга оширишда:

- ички ишлар органлари фаолиятини юридик таъминлаш ва уларнинг қонун ижодкорлиги ҳамда хукуқни қўллаш амалиётида қонунийликка риоя этишга қаратилган чора-тадбирларни амалга ошириш;
- қонунчилик ва хукуқни қўллаш амалиётида хукуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитлари бўлган омилларни аниқлашни таъминлаш, шунингдек уларнинг тизимли таҳлилини амалга ошириш;
- қонунчилик ва хукуқни қўллаш амалиётини такомиллаштириш, хукуқбузарликларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини бартараф этишга доир таклифлар ишлаб чиқиш ҳамда амалга ошириш, шунингдек уларни давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларига белгиланган тартибда киритиш;
- ички ишлар органлари фаолиятини такомиллаштириш, улар зиммасига юклатилган вазифа ва функцияларни амалга ошириш масалалари бўйича норматив-хукуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш; – норматив-

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрелдаги «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар хукуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПФ-5005-сон Фармони

хуқуқий юритиш хужжатларнинг тизимлаштирилган тизимлаштирилган ҳисобини юритиш

Мамлакатимизда вояга етмаганлар ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш, фарзандларимизнинг қонуний ҳуқуқларини муҳофаза этиш, энг муҳими, баркамол авлод тарибиялаш масаласи давлат сиёсати даражасига кўтарилиган. Ўзбекистон Республикасининг Конситутцияси вояга етмаганлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш олий юрид қучга эга бўлиб, унга асосан давлат фуқароларнинг Конситутция ва қонунларда мустаҳкамланган ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлайди. Ҳусусан, Ўзбекистон Республикасининг вояга етмаганлари Конситутция ва қонун хужжатларида мустаҳкамлаб кўйилган ижтимоий-иқтисодий, шахсий ва экологик ҳуқуқ ҳамда эркинликлардан тўлиқ фойдланадилар.

Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга ошириш мақсадида қўйидагилар таклиф этилади:

- а) вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг содир этилишини асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш бўйича марказлашган электрон маълумотлар базаси юритилишини йўлга қўйиш;
- б) вояга етмаганлар ўртасида жиноятларнинг содир этилишини асл сабаб ва шароитларини аниқлаш ҳамда бартараф этиш ишларининг аҳволини ҳар ойда бир маротаба халқ депутатлари вилоят, туман, шаҳар кенгашлари сессияларида танқидий муҳокама қилиш ва айбдор шахсларнинг жавобгарлигини қатъий кўриб бориш тартибини жорий этиш;
- в) майший зўравонлик билан боғлиқ жиноят содир этишга мойил бўлган шахслар, ҳусусан уюшмаган вояга етмаганлар билан профилактик ишлар самарадорлигини ошириш мақсадида «майший зўравонликка мойил шахслар»ни профилактик ҳисобга олиш юритиладиган шахслар доирасига киритиш;

Ҳозирги кунда мамлакатимизда вояга етмаганлар тарбиясига ҳар доимгидан ҳам кучли эътибор қаратиш лозим ҳисобланиб қолмоқда бунга бугунги кунда нафақат оила, мактабгача таълим муассасалари, маҳаллалар, кенг жамоатчилик назорати ҳам амалга оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилишини унитмаслигимиз лозим.

Шуни алоҳида такидлаб ўтиш лозимки, инсонда салбий ижтимоий иллатларнинг шаклланиши унинг ҳуқуқбузарлик содир этишига олиб келади, унинг салбий ҳаракат содир этишига ундейди. Айниқса, вояга етмаганлар томонидан содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар жамият келажагига раҳна солувчи ижтимоий ҳодиса деб баҳолаш мумкин. Чунки, жамият келажагини белгилаб берувчи вояга етмаганларнинг тарбияси бу борада муҳим рол ўйнайди. Вояга етмаганлар ўртасида ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш

борасидаги муҳим муаммолардан бири шундан иборатки, уларда гайриижтимоий мойиллигини дастлабки босқичда профилактика қилишга нисбатан юзаки ёндашиш ҳоллари ҳам учраб туради.

Шунингдек ҳозирги кунда ёшлар ўртасида ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг асосий сабабларидан бири сифатида оиласидаги маънавий педагогик заифликнинг кўринишлари бўлиб бунда носоғлом маънавийрухий муҳит, ғайритабиий муносабатлар, низолар, жанжаллар, келишмовчиликлар, қўполликнинг мавжудлиги, бирликнинг, бир-бирига ғамхўрликнинг йўқлиги кабилар ҳам ёшларнинг онгини бузилишига олиб келади. Шу боис мактаб, коллеж ва бошқа ўқув масканларида ўқувчиларнинг ота-оналари билан йиғилишлар ташкил этилганида факатгина фарзандининг хулқ-атвори хақида тўхталиб қолмай, мутахасис педагоглар иштирокида оиласарда қандай муҳит яратиш, фарзандларга қандай муносабатда бўлиш кераклиги бўйича ҳам тушунтириш ишлари олиб бориб туриш ижобий натижа беради деб ўйлайман.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Концитутсияси-2024 йил
2. Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси-2024
3. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси-2024
4. Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 29 сентябрьдаги “Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-263-сон қонуни
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 4 майдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги ЎРҚ-371-сон қонуни
6. Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 14 сентябрьдаги “Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида”ги Қонуни
7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 26 марта “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-6196-сонли фармони
8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 2 апрелдаги “Ички ишлар органларининг жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятини янада такомиллаштириш бўйича қўшимча ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-5050-сонли қарори